



Рамазонова Саломат Сайдовна

Осиё халқаро университети укитувчisi

## ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ЎРНИ

Бугунги кунда республикамизда ёш ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Чунки, баркамол авлод Ватанимиз келажаги ва наслимиз давомчиси хисобланади. Уларни замонавий, комил инсонлар этиб тарбиялаш, улар онгига миллий –маданий, маънавий қадриятларимизни сингдириш, қадимий ва бой тарихимиз билан қуроллантириш, ақлан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш бугунги кунимизнинг долзарб масаласидир. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан, ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, баҳтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этилмокда<sup>1</sup>.

Тарихдан маълумки, кишилар азал-азалдан жамоа-жамоа бўлиб яшашга интилиб келганлар. Ҳамжиҳатлиқда турмуш қийинчиликларини енгib, мушкул вазиятларда бир-бирларига кўмакдош, ишончли ҳимоячи бўлишган. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, қадим замонлардаёқ бугун биз таъриф бераётган фукаролик жамияти, кишиларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг илк куртаклари намоён бўла бошлаган. Шарқда бу жараён минг йиллик тарихга эга бўлган маҳаллалар кўринишида ривожланган бўлса, Фарб давлатларида кишиларнинг ўз манфаат ва қизиқишлигини жамиятда кечаётган жараёнлардан келиб чикиб ифодалаш ва ҳимоя килиш мақсадида ҳар хил уюшмалар, партиялар, жамиятлар, ҳаракатлар ва бошка тузилмалар пайдо бўлишига асос солинди.

Чиндан ҳам Ўрта Осиёда, хозирги Ўзбекистон худудида ўзини ўзи бошқарувчи ташкилотнинг ноёб шакли – маҳалла азалдан мавжуддир. Маҳалла бевосита жамоатчилик тарихи, одамларнинг жамоа бўлиб ҳамжиҳат бўлиб, уюшиб яшаш тарихи билан боғланган ҳолда икки минг йилдан ортиқ ўтмишга ега. Бу бизнинг миллатимизга хос бўлган воқеалиқдир. Маҳалла бу кишиларни интилиши ва сайд-ҳаракати, унинг ўзига хос ҳаёт тарзи ҳам қадим – қадимдан уларда яшайдиган кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, имкон қадар қондириб шаклана бошлаган. Бобомиз Соҳибқирон Амир Темур ўзи барпо этган бепаён ва қудратли салтанатни бошқаришда маҳалла муттасадди шахсларга таянгани ва улар билан яқин муносабатда бўлиб, бамаслаҳат иш олиб боргани ўзининг “тузук”ларида шундай келтириб ўтади .“ Ҳар эл ва ҳар миллатнинг улуғларини, бошлиқ оқсоқоларини қадрладим, уларга совға – саломлар бериб хизматларидан фойдаландим”<sup>2</sup>

Тарихнинг гувоҳлик беришича, Ватанимизда қадимдан маҳалла фаолият кўрсатиб келади. Лекин собиқ иттифоқ даврида маҳалланинг мазмуни ва вазифалари бутунлай издан чиқди. Бу даврда маҳаллалар ўзининг хуқуқий мақомини йўқотди, уларнинг асосий фаолияти собиқ коммунистик партиянинг ташкилотларини қўллаб-қувватлашдан, шунингдек, маҳаллий анъана ва урф-одатлар, одоб-ахлоқ, меъёрларини тарғибот-ташвиқот қилиш, оиласалардаги маросимлар ва бошка тадбирларни ўтказишда «кўз ва қулок» бўлиб туриш кабилардан иборат бўлиб келди. Собиқ иттифоқ даврида қадимдан маънавият, таълим ва тарбия

<sup>1</sup>Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. Т., “Ўзбекистон”, 2016

<sup>2</sup> Алихон Соғуний таржимаси. Темур тузуклари, Т, Faafur Fулом нашриёти, 1991.



масалаларини ҳал этиб келган маҳаллаларнинг ўрни деярли йўқقا чикарилди. Ўша давр жадид намояндаларидан Маҳмудхужа Беҳбудийнинг таъкидлаганидек, “Бир карра диққат килиб, маҳалла-кўй ва кишлок халқларига қаралсин. Авомлик, беилмлик нақадар кўпайган. Биз мусулмонмиз, мусулмонларга илм лозим, амал лозим”<sup>3</sup>.

Факат мустақиллик даврига келибгина маҳалла ўзининг қадими макомига эриша бошлади. Шу билан бирга, фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришининг қонуний мақомини мустаҳкамлаш, уларни фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир жиддий ислоҳотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Конституцияси маҳалла мақомини фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органи сифатида мустаҳкамлади. Мустақиллик даврида мамлакатда ўн мингга яқин ўзини-ўзи бошқариш органлари, жумладан, маҳалла мустақил ташкилот сифатида қайтадан мустаҳкамланди ва уларнинг аксарияти ўзининг қадимги номларини ва халқ ўртасидаги обрў-эътиборини қайтадан мустаҳкамлади.

Ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла ва ундаги халқимизнинг удумлари, урф-одатлари ва анъаналарга таянган ҳолда, жамотчилик фикрининг ва унга ёшлиқдан одатланиш улкан тарбиявий вазифани бажаради. Маҳалла ўз тажрибалари асосидаги панд-насиҳатлари, уларнинг эришган ютуклари ёшларини кенг дунёкарашли, иродали, мард ва жасур бўлиб етишида, миллий ифтихор, миллий ғурур, эртанги кунга ишонч туйғуларини шаклланишида бекиёс аҳамият касб этади. Бугунги кунда «Фарзандларимиз биздан қўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтили бўлишлари шарт!» деган ҳаётий даъват ҳар биримизнинг, ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла ахлининг хулқ атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода маҳаллани демократия дарсхонаси хам деб аташ мумкин.

Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг иштирок этиши, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат дастурларини, худудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширишда иштирок этади, ёшларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаоллигини оширишга, соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялашга, оиласда маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни кўради, ёшларни тарбиялаш масалалари юзасидан таълим муассасалари ва бошқа муассасалар билан ҳамкорлик қиласи, тегишли худудда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ёшларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашади, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги қонунчиликнинг ижро этилиши, давлат дастурларининг ва худудий дастурларнинг рўёбга чиқарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади деб таъкидлаб ўтилган.

Хозирги вактда жамиятимиз, инсоният тараққиёти мустақиллигимиз истиқболлари учун жиддий хавф туғдирадираётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, экологик, ички ва ташқи омилларнинг таҳдиidi ортиб бораётган айни вақтда, оиласада мустаҳкамлигини таъминлаш ва бу масалани тўғри ҳал этишнинг асосий йули бўлмиш ёшларни оиласада ҳаётга тайёрлаш масаласи ҳеч кечиктириб бўлмайдиган, ўта жиддий ёндашишларни талаб этувчи давлат, хукumat миқёсидаги долзарб масаладир. Бунинг муваффақиятли амалга ошишига жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси, ота-оналар, маҳалла-кўй ҳамма бирдек масъулдир. Чунки инсоният ва жамиятимиз тараққиёти шу масалани биз бугун қандай ҳал қилишимизга боғлиқ.

<sup>3</sup>Жадид адабиёти намояндалари, Одоб-ахлок китоби, Т, 2016.



**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Узбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т., “Узбекистон”, 2016
2. 2.Алихон Соғуний таржимаси. Темур тузуклари, Т, Г. Фулом нашриёти 1991
3. 3.Жадид адабиёти намояндлари, Одоб-ахлок китоби, Т, 2016.
4. Ikromova, S. A. (2024). BASICS OF PSYCHOLOGICAL SERVICES. PEDAGOG, 7(5), 670-676.
5. Akbarovna, I. S. (2024). THE IMPORTANCE OF PEDAGOGICAL MANAGEMENT IN EDUCATION. PSIXOLOGIYA VA SOTSILOGIYA ILMIY JURNALI, 2(4), 40-46.
6. Akbarovna, I. S. (2024). PSIXOLOGIK XIZMAT ASOSLARI. PSIXOLOGIYA VA SOTSILOGIYA ILMIY JURNALI, 2(4), 54-60.
7. Akbarovna, I. S. (2024). STAGES OF PSYCHOLOGICAL CONSULTATION. PEDAGOG, 7(4), 328-334.
8. Икромова, С. А. (2023). ФАКТОРЫ ФОРМИРОВАНИЯ ИММУНИТЕТА К ДЕСТРУКТИВНЫМ ИДЕЯМ У ПОДРОСТКОВ. European research, (3 (81)), 47-49.
9. Ikromova, S. (2024). PEDAGOGIK TEHNOLOGIYA SHAKLLARI VA MAZMUNI. Multidisciplinary Journal of Science and Technology, 4(3), 918-924.
10. Ikromova, S. (2024). FORMS AND CONTENT OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGY. Multidisciplinary Journal of Science and Technology, 4(3), 933-939.
11. Akbarovna, I. S. (2024). MASTERING THE BASICS OF PEDAGOGICAL SKILLS. Multidisciplinary Journal of Science and Technology, 4(3), 882-887.
12. Akbarovna, I. S. (2024). PEDAGOGIK MAHORAT ASOSLARINI O'ZLASHTIRISH. Multidisciplinary Journal of Science and Technology, 4(3), 888-893.
13. Akbarovna, I. S. (2024). THE IMPORTANCE OF FORMING MATHEMATICAL CONCEPTS. Multidisciplinary Journal of Science and Technology, 4(3), 912-917.
14. Akbarovna, I. S. (2024). MATEMATIK TUSHUNCHALARNI SHAKLLANISHINING AHAMIYATI. Multidisciplinary Journal of Science and Technology, 4(3), 900-905.
15. Икромова, С. А. (2024). ЭТАПЫ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ КОНСУЛЬТАЦИИ. Multidisciplinary Journal of Science and Technology, 4(3), 875-881.
16. Akbarovna, I. S. (2024). PSIXOLOGIK MASLAHAT BOSQICHLARI. Multidisciplinary Journal of Science and Technology, 4(3), 860-866.
17. Akbarovna, I. S. (2024, April). BOSHLANG'ICH SINFLARDA SINFDAN TASHQARI MASHG 'ULOTLAR. In International conference on multidisciplinary science (Vol. 2, No. 4, pp. 27-32).
18. Akbarovna, I. S. (2024, April). BOSHLANG'ICH TA'LIMDA TA'LIM MASALASI. In International conference on multidisciplinary science (Vol. 2, No. 4, pp. 21-26).